

Ҳалол йўл билан қондирса ажр бўлади



08:00 / 06.01.2021 3227

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи саҳобалари: «Эй Аллоҳнинг Расули! Бадавлат кишилар савобда ўзиб кетишди. Улар биз ўқигандек намоз ўқишади, биз тутгандек рўза тутишади, лекин мол-дунёларидан ортганини садақа қилишади», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ садақа қиладиган нарсани сизларга ҳам бермаганми? Ҳар бир тасбеҳ садақадир, ҳар бир такбир садақадир, ҳар бир ҳамд садақадир ва ҳар бир таҳлил садақадир. Амру маъруф ҳам садақадир, наҳйи мункар ҳам садақадир. Ҳатто фаржингиз борасида ҳам садақа бор»**, дедилар. Шунда саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули! Шаҳватини қондирса ҳам ажр бўладими?» дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар шаҳватни ҳаром йўл билан қондирса гуноҳ бўлармиди? Худди шунингдек, ҳалол йўл билан қондирса ажр бўлади»**, дедилар»

(Муслим ривояти).

«Солиҳлар гулшани» китобидан